



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ПЕДАГОГИКА ФАКУЛТЕТИ**

**МАКТАБГАЧА ЁШДА ИДРОК ХУСУСИЯТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИ  
ЎРГАНИШ мавзусидаги**

**Битирув малакавий иши.**

**Бажарди:** Эсанов Баходир

**Раҳбар:** доц. Норбошева М.О

ТЕРМИЗ – 2014

I. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ИДРОКИНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ.

- 1.1. Идрок билиш жараёни сифатида
- 1.2. Мактабгача ёшда идрок хусусиятлари ривожланиши
- 1.3. Мактабгача ёшда идрокнинг ўзига хос жиҳатлари

II. БОЛАЛАР ИДРОКИ РИВОЖЛАНИШИНИ ЎРГАНУВЧИ  
МЕТОДИКАЛАР ТАСНИФИ.

- 2.1. “Эталонлар” методикаси ( Л.А.Венгер)
- 2.2. “Лофлар ” методикаси
- 2.3. “ Расмда ким яширинган ?” методикаси.

III. ТАЖРИБАНИНГ БОРИШИ ВА НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ.

- 3.1. Ўрта ва Катта гуруҳда тажриба –синов ишларини олиб бориш
- 3.2. тажрибани ташкил этиш .

IV. ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.

V. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

VI. Иловалар

**Кириш**

**Мавзунинг долзарблиги.** Жамият тараққийетининг муҳим шарти кадрларни тайёрлаш тизимининг мукамал бўлиши, замонавий иқтисод, фан, маданият, техника ва технологиялар асосида юксалиш билан характерланади. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга оширишда мавжуд таълим ва кадрларни тайёрлаш тизимларини тубдан ўзгартириш замонавий илмий фикрлар ютуқлари ва ижтимоий тажрибаларга, таълим жараёнининг ҳамма босқичларида, узлуксиз таълим тизими, таълим муассасаларининг ҳамма шакл ва турларида илғор методик тажрибаларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Зеро, шахснинг маънавий етуклиги, билимдонлиги, зехнлилиги мана шу муаммони ечиш жараёнида намоён бўлади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида янги ижтимоий муносабатларга эркин кириша оладиган, умуминсоний кадриятларни эътироф этадиган, маънавий кадриятларга ҳурмат билан қарайдиган ижтимоий фаол ёшларни тарбиялаш долзарб муаммолардан саналади.

Ҳозирги даврда фуқороларнинг онгига мустақиллик, ватанпарварлик, садоқат каби тушунчаларни сингдириш, уларни келажакка ишонч, буюк давлатнинг муносиб фарзандлари қилиб камол топтириш замон талабидир. Шу ўринда бу вазифаларни мактабгача ёш давридан бошлаш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан битирув малакавий ишимизда мактабгача ёшдаги болалар билиш жараёнлари ривожланиши айниқса идрокнинг нималар таъсирида амалга ошишига эътибор бердик.

Мактабгача ёшдаги болалар билиш фаоллигининг ривожланиши бугунги кун талаблари даражасида мавжуд имкониятлар асосида амалга оширилмоқда. Ёш даврларнинг ўзига хос хусусиятлари таркибида мактабгача ёшдаги даврда билиш фаоллигини ривожлантириш масаласи алоҳида аҳамиятга эга бўлган муаммолардан биридир. Мавзунинг долзарблиги ҳам шундаки, асосий етакчи фаолияти ўйин ҳисобланган болаларда идрок жараёнининг ривожланиши боланинг билишга бўлган

қизиқишларини ортириш учун педагогика ва психологияда турли тадқиқотларни ишлаб чиқиш ва мавжудларини модификация қилиш мақсадга мувофиқдир. Бола психик тараққиётида идрокнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ва боланинг билиш фаоллигини ошириш ҳамда такомиллаштириш бугунги кун долзарб масалаларидан бири сифатида қаралар экан, битирув малакавий ишимиз ҳам айна мактабгача ёш даврларда идрок хусусиятлари ривожланишини назарий ва амалий тадқиқ этишга қаратилгандир. Мазкур ишда **“Мактабгача ёшда идрок хусусиятлари ривожланишини ўрганиш.”** мавзусини амалий тадқиқотлар асосида ёритиб бериш ва аниқ хулосалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдир.

**Битирув малакавий ишнинг мақсади.** Битирув малакавий иши мактабгача ёшдаги болалар идроки ривожланишини ўрганиш , идрокнинг ёшга оид жиҳатларини эмперик тадқиқ этиш, тегишли тавсиялар ишлаб чиқишдир.

**Битирув малакавий иши предмети** бўлиб, мактабгача ёшда идрок хусусиятларини ўрганиш саналади.

**Битирув малакавий иши объекти.** Тадқиқотнинг объекти сифатида Термиз шаҳридаги 23-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари олинган.

**Битирув малакавий иш вазифалари:**

- 1.Тадқиқот мавзусига оид илмий манбаларни ўрганиш ва назарий қисм учун манбалар йиғиш,
2. Мактабгача ёшдаги болалар идрокини ўрганувчи махсус методикаларни ўрганиш ва тажриба учун саралаш,
3. Тажриба объекти ва базасини аниқлаш,
4. Тажриба олиб бориш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш,
5. Тажриба натижаларига кўра амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг методологик асоси.** Тадқиқотда психология , педагогика фанларида мактабгача ёш даврни ўрганган катор олимларнинг(Ибн Сино, Форобий, Запорожец А.В., Венгер Л.А., ) қарашлари методологик манба бўлиб хизмат қилади.

Булар билан бирга мактабгача ёшда сенсор ва ақлий тарбиянинг аҳамияти ҳақида катор илмий-тадқиқотлар натижалари ўзига хос методологик манба сифатида фойдаланилади.

**Тадқиқот усуллари.** Битирув малакавий ишда қўйилган вазифаларни тўлақонли амалга ошириш мақсадида психодиагностик методлардан: суҳбат, кузатиш, махсус психологик методикалар: “Эталонлар”, ”Лофлар”, “Расмда нима яширинган” ҳамда олинган натижаларни таҳлил қилиш учун математик-статистик методдан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг янгилиги.** Мазкур мавзу кафедрада илк бора битирув малакавий иш сифатида ўрганилиб , маҳаллий материаллар тўпланди. Шунингдек, идрок ривожини психодиагностика қилиш учун методикалар сараланди, тегишли материаллар тўпланди.

**Тадқиқотнинг назарий аҳамияти.** Тадқиқотнинг назарий аҳамияти бевосита унинг илмий янгилиги ҳамда қўлланилган усулларининг ишончлилигидан келиб чиқади. Тадқиқот натижалари “Болалар психологияси” ва умумий психологияни янги назарий хулосалар билан бойитади.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.** Тадқиқотда қўлга киритилган натижалардан ва ишлаб чиқилган тавсиялардан “Болалар психологияси”, “Умумий психология” курсларини ўқитишда, мактабгача таълим муассасаларида психологик хизмат самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин.

**Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми.** Битирув малакавий иши кириш, учта бўлим, 5 та параграф, хулосалар, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлади.

# I-БОБ. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ИДРОКИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

## 1.1. Идрок билиш жараёни сифатида

Hamma uchun odatiy bo'lgan shunday holatni tasavvur qiling: ko'pchiligimiz ertalab soatning jaranglashidan uyg'onamiz. Soat budilnigining tovushini sezamiz. Bu – alohida signal, lekin bu soat bizning uyg'onishimiz uchun chalinayotganligi, tovushning ortida o'sha bizga kerak bo'lgan vaqtning alomati borligini o'zimizcha talqin etamiz. Agar soatdan chiqqan tovush sezgilarimizga aloqador bo'lsa, uning vaqtni bildiruvchi predmet ekanligi va bu bizning uyg'onib, o'qishga yoki ishga o'tlanishimiz zarurligini bildirayotganligini biz idrok qilamiz. Umuman, psixologlarning fikricha, inson nimaniki idrok qilsa, uni *figura va fonda* idrok qiladi.

**Figura** – shunday narsaki, uni aniq anglash, ajratish, ko'rish, eshitish va tuyish mumkin.


**Fon** esa aksincha, noaniqroq, umumiyroq narsa bo'lib, aniq obyektни ajratishga yordam beradi. Masalan, gavjum bozorda ketayotgan taqdirda ham o'z ismimizni birov aytib chaqirsa, darrov o'sha tarafga qaraymiz. Ism – figura bo'lsa, bozordagi shovqin – fon rolini o'ynaydi. Boshqacha qilib aytganda, biz biror narsani idrok qilayotgan paytimizda uni albatta biror fondan ajratib olamiz. Masalan, gul bozorida aynan qip-qizil atirgul sizga yoqib qolib, o'shani xarid qilasiz, qolgan gullar fonda ongingiz aktiviga o'tmaydi.

Shunday qilib, *idrok – bu bilishimizning shunday shakliki, u borliqdagi ko'plab, xilma-xil predmet va hodisalar orasida bizga ayni paytda kerak bo'lgan obyektни xossa va xususiyatlari bilan yaxlit tarzda aks etishimizni ta'minlaydi.* Ya'ni, idrokning asosida narsa va hodisaning yaxlitlashgan obrazi yotadiki, bu obraz boshqalaridan farq qiladi. Idrok yuqorida ta'kidlaganimizdek, soat tovushiga o'xshash, o'ziga nisbatan *soddaroq bo'lgan sezgi jarayonlaridan*

tashkil topadi. Masalan, olmaning shaklini, xidini, mazasini, rangini sezamiz, ya'ni alohida-alohida xossalar ongimizda aks etadi. Bu – *sezgilarimizdir*. Sezgilar yaxlit tarzda idrok jarayonini ta'minlaydi. Lekin olimlar idrokni sezgilarining oddiygina, mexanik tarzdagi birlashuvi, degan fikrga mutloq qarshilar. Chunki *idrok* – ongli, maqsadga qaratilgan murakkab jarayon bo'lib, unda shaxsning u yoki bu obyektga shaxsiy munosabati va idrokdagi faolligi asosiy rol o'ynaydi. Masalan, buni isboti uchun ko'pincha **Rubin figurasi** tavsiya etiladi. Unda ikkita qora profil oq fonda berilgan. Bir qarashda ayrimlar bu rasmlarga qarab, “Bu – vaza” deb atasa, boshqalar uni bir-biriga qarab turgan ikki kishi yuzining yon tomondan ko'rinishi, deb ta'riflashi mumkin. Shunisi xarakterliki, birinchi marta shu rasmni ko'rgan odam uni yaxlit idrok qilib, nima ekanligini *tushunishga* harakat qiladi, lekin biror figurani ko'rgach, ma'lum vaqtgacha boshqasini ko'rmay turadi. Agar shu idrok darajasi qolsa, ya'ni yana nimanidir ko'rishni xohlamasa, u ikkinchi figurani ko'rmasligi ham mumkin. Bu bizdagi idrok jarayonlarining faolligimizga, obyektga munosabatimizga bevosita bog'liqligini ko'rsatib turibdi. Ikkinchidan, idrok bizning kayfiyatimizga ham bog'liq. Tashvish bilan yo'lakchadan o'tib ketayotib, oyog'ingiz tagidagi narsa tugul, ro'paradagi odamni ham ko'rmay qolishingiz mumkin. Yoki san'at muzeyida tomosha qilib yurgan ikki kishi bir rasmda tamoman har xil narsalarni, elementlarni ko'rishi mumkin. Yaxshi kayfiyatda, yaxshi do'stlar davrasida iste'mol qilgan taom sizga juda mazaliday tuyuladi. Agar talaba biror fan predmetidan qarzdor bo'lib qolsa, och qoringa yegan shirin taomi ham “ta'timaydi”, hatto nima yeganini ham unutib qo'yadi. Yomon kayfiyat ko'proq qora, nursiz ranglarni idrok qilishga moyil bo'lsa, yaxshi ko'tarinki kayfiyat, aksincha, hamma narsani eng yoqimli ranglarda “ko'radi”. Bu yana bir bor idrokning oddiygina aks ettirish yoki bilish jarayoni emas, balki shaxsdagi faol ustanovkalarga bog'liq bo'lgan, mantiqan asoslangan ongli jarayon ekanligini isbotlaydi.

Yuqoridagi fikrlar hamda 16-rasmdan kelib chiqib, shaxs idrok qilishi jarayonlariga xos bo'lgan bir nechta qonuniyatlarni belgilaymiz:

*Figura va fonning ilgarigi harakatga bog'liqligi qonuni.* Bu qonunning ma'nosi: odam ilgarigi tajribasida bo'lgan, bevosita to'qnash kelgan, tanish narsalarini idrok qilishga moyil bo'ladi. Agar biror predmetni u ilgari figura sifatida idrok qilgan bo'lsa, demak, keyingi safar ham uni aynan figuraday idrok qiladi, agar fon bo'lgan bo'lsa, tabiiy, fonda qabul qiladi. Bu qonunning hayotdagi o'rni chet davlatlarda borgan turistlar tajribasiga tayanib tushuntirilishi mumkin. O'zbekistonliklar Yer kurrasining qaysi burchagida bo'lmasin, o'zbek do'ppisi yoki atlas ko'ylakni juda tez ilg'ab oladilar va suyunib ketadilar ham. Yonidagi sheriklari o'zbek bo'lsa ham, aynan do'ppili o'zbekni ko'rib, ko'zlari yashnab ketadi. Boshqa millat vakillari, masalan, nigeriyalik ham milliy ko'ylagida yurgan bo'lishi mumkin, lekin o'zbek turist uchun bu kiyim fon edi, fonligicha qoladi ham.



### **16-rasm. Idrok qilish jarayonlariga xos qonuniyatlarni klassifikatsiyasi**

*Idrokning konstantliligi qonuni.* Bu qonun ma'lum ma'noda oldingisiga bog'liq. Ya'ni bunda ham ilgarigi tajriba katta rol o'ynaydi. Ma'nosi: odam o'ziga tanish bo'lgan narsalarni o'sha xossa va xususiyatlar bilan o'zgarishsiz idrok qilishga moyildir. Masalan, samolyot ichida o'tirib yerga qaraganmisiz? Avtomobil yo'llari, ularda harakat qilayotgan mashinalar kichkina ko'rinadi, lekin biz ularni hozir kichrayib qolgan, deb idrok

qilmaymiz-ku? Aslida ko'z qorachig'imizdagi aks kichkina bo'lsa-da, ularni o'zimiz "to'g'rilab" alohida predmetlar sifatida idrok qilaveramiz.

Bu o'rinda bir etnografning Afrikadagi kuzatishi xarakterli. U kunlarning birida pigmeylar deb ataluvchi qabila vakillaridan biri bilan quyuc o'rmondan chiqqan (bu qabilaning umri qalin o'rmonda o'tadi). Ro'parada yaylovda sonsiz mollar podasi o'tlab yurgan bo'lgan. Etnograf ularni oddiy mollar podasi sifatida idrok qilgan, pigmey esa ularni chumolilarga o'xshatib, ularning ko'pligi va kichikligidan hayratlangan. Olimda idrokning konstantligi namoyon bo'lgan bo'lsa, uning sherigida uning buzilganligi kuzatilgan.

Demak, idrokimizning konstantligi, ya'ni ilgarigi tajriba asosida narsalarning xossa va xususiyatlarini o'zgartirmay, turg'un holda yaxlit tarzda idrok qilish xususiyati bizga tashqi muhitda to'g'ri moslashuvimiz, narsalar dunyosida adashmasligimizni ta'minlaydi. Konstantlik – "*constant*" so'zidan olingan bo'lib, o'zgarmas, doimiy degan ma'noni bildiradi.

*Kutishlar va taxminlarning idrokka ta'siri.* Ko'pincha bizning idrokimiz ayni paytda biz nimalarni kutayotganimizga bog'liq bo'lib qoladi. Biz o'zimiz kutgandan ham ko'p paytlarda o'zimiz ko'rgimiz kelgan narsalarni ko'ramiz, eshitgimiz kelgan narsani eshitamiz. Masalan, sonlar qatorida paydo bo'lgan V harfi uzoqdan albatta 13 soniday idrok qilinadi, yoki aksincha harflar orasidagi 13 "V" ga juda o'xshaydi. Kechasi yolg'iz qolib kimnidir kutayotgan bo'lsangiz, har qanday juda sekin sharpa ham oyoq tovushlariga o'xshayveradi. Sog'ingan do'stingizga biror jihati bilan o'xshash bo'lgan odamni ko'rsangiz-chi?

Shunday qilib, inson idroki shaxsiy ma'no va ahamiyat kasb etgan ma'lumot vositasida ongdagi bo'shliqni to'ldirishga harakat qiladi. Birovning orqadan chaqirishini kutayotgan bo'lsangiz, negadir albatta, bosh harfi to'g'ri kelgan ismni aytsa ham tezginada o'sha tomonga o'girilib qaraysiz. Aynan shunday hodisalar ba'zan idrokdagi xatoliklarning kelib chiqishiga olib keladi. Amerikalik olim *J. Begbi*, stereoskop orqali amerikalik va meksikalik bolalarga shakli unchalik aniq bo'lmagan slaydlarni birin-ketin ko'rsatgan. Amerikalik bolalar

ularni beysbol o'yini, oq sochli qiz ifodalangan desalar, meksikalik bolalar ularni buqalar jangi, qora sochli qiz, deb ta'riflaganlar. Ko'pchilik bolalar esa ko'rsatilgan ikkita rasmdan faqat bittasini ko'rganini e'tirof etganlar. Demak, bizning idrokimiz, uning mazmuni madaniy va ma'naviy muhitga ham bog'liq bo'lib, bu kutishlar tizimidan kelib chiqarkan.

*O'zgarmas ma'lumotning idrok qilinmasligi qonuni.* Bu qonunning mohiyati shundaki, muntazam ta'sir etuvchi ma'lumot ongda uzoq ushlab turilmaydi. Masalan, o'tirganingizda soatning tikkilashini eshitganmisiz? Ha, tovush eshitiladi, lekin ma'lum vaqt o'tgandan so'ng go'yoki u yo'q bo'lib qolganday – eshitilmaydi. Yoki eksperiment sharoitida yolg'iz bitta nuqtadagi yorug'lik manbai ko'zga ta'sir etilib, ko'z ham shu nuqta bilan bir vaqtda harakatga keltirib turilganda, 1-3 sekunddan so'ng odam yorug'lik manbaini ko'rmay qo'ygandek. Shunga o'xshash eksperimentlar barcha idrok turlarida ham sinalgan. Past ohangli kuy ham ma'lum vaqtdan keyin eshitmaganday hisni keltirib chiqarishini sinab ko'rishingiz mumkin.

Nutq vositasida hadeb bir xil so'zlarni qaytaraverish psixoterapevtik amaliyotda gipnotik holatni keltirib chiqaruvchi omil sifatida ishlatiladi. Chunki bir xil so'zlar hadeb qaytarilaversa, ular o'zining ma'no-mohiyatini ham yo'qotadi. Masalan, ko'chalarda yuradigan “folbinlar”ni ko'rganmisiz? Ular avtomatik tarzda aytadigan so'zlari aslida ularning o'zlari uchun umuman ma'nosini yo'qotgan (“baxtingdan ochaymi, taxtingdan ochaymi?” va hokazo shunga o'xshash so'zlar). har qanday harakat hadeb qaytarilaversa, “psixologik to'yinish” hodisasi ro'y beradi va harakatlar avtomatlashib, uning ayrim detallari umuman ong nazoratidan chiqadi. Masalan, mahoratli raqqosa har qanday raqsga ham chiroyli, jozibali harakatlar bilan o'yin tushib ketaveradi.

*Anglanganlik qonuni.* Idrok qilayotgan shaxs uchun figuraning anglanganligi, uning zarurati va ma'nosi katta ahamiyatga ega bo'ladi. Agar biz kuzatayotgan predmet, eshitayotgan nutq yoki his qilayotgan narsamiz ma'nosiz, tushunarsiz, noaniq bo'lsa, biz juda tez charchaymiz va toliqamiz. Masalan, xitoy tilini bilmaydigan odam shu tilda so'zlashuvchilar orasiga

tushib qolsa, psixologik jihatdan juda qiynaladi. Ya'ni, *bizga barcha narsalarda biror ma'no va mazmun kerak*. Odam odatda tushunadigan narsasinigina idrok qiladi. hattoki, ma'ruzachining bugun tushuntirayotgan ma'ruzasidagi faktlar sizning tushunchalaringiz va bilim doirangizdan uzoq bo'lsa, professorga qarab o'tirgan bo'lsangiz ham uning gaplari qulog'ingizga kirmaydi. Shunday paytlarda "Nima deyapti o'zi?" deb qo'shnimizdan so'rab qo'yamiz ham, zero, ma'ruzachi o'sha biz uchun qadrdon va ona tili hisoblanmish o'zbek tilida gapirayotgan bo'lsa ham. Sinab ko'rish uchun o'rtog'ingizga bir nechta so'zlardan iborat qatorni bering. Ular orasida mazmunan bir-biriga bog'liq bo'lmagan so'zlar, hattoki ma'nosiz (teskarisiga yozilgan so'zlar) bo'lsin. Oraga 2-4 ta tanish o'zbek tilidagi so'zlardan aralashtiring. Bir daqiqa mobaynida qarab, eslab qolganini qaytarishni so'rasangiz, o'sha 2-4 ta so'zlardan boshqalarni deyarli "ko'rmaganining" guvohi bo'lasiz.

*Taxminlarni tekshirish jarayonida idrok qilish*. Biz idrok jarayonida ilgari tajribaga tayanganimiz bilan ko'pincha adashamiz, ba'zan esa o'zimiz uchun yangiliklar ochib, tajribani yanada boyitamiz. Ilgari tajriba va kelajakni bashorat qilish insonga xos xususiyat bo'lib, bizning sezgi organlarimiz orqali keladigan ma'lumotlarning ko'lami va imkoniyatlarini yanada oshiradi. Shu nuqtai nazardan olib qaralganda, *idrok – tashki muhit to'g'risidagi taxminlarimizni isbot qilishga qaratilgan faol jarayondir*. Biz bevosita idrokimiz "tagiga yetolmayotgan", "tushunmayotgan" narsalarni bevosita his qilgimiz, qo'limiz bilan ushlab ko'rgimiz, ular bilan ishlagimiz keladi. Ya'ni, idrok qilinayotgan narsada noaniqlik, sir paydo bo'lsa, biz "Bu nima bo'ldi?" degan savol asosida taxmin qila boshlaymiz va uni tekshirish uchun harakat qilamiz. Aynan harakatlar, amaliy ishlar idrokimiz imkoniyatlari va chegaralari kengaytiradi va anglashga yordam beradi. Shuning uchun ham har bir ishni boshlashdan avval nimaga egamiz, nima kerak va nima qilsak, tezroq yaxshi natijaga ega bo'lamiz, degan savol bilan o'zimizdagi tajribada bo'lgan bilimlarimiz bilan unchalik aniq bo'lmagan

ma'lumotlarni tarozuga solish va imkon boricha nutqimiz, harakatlarimiz bilan real tajribani kengaytirishga intilishimiz kerak. Shunday qilib, bir qarashda oddiyroq tuyulgan idrok ham inson bilimlari, tushunuvchanligi va faolligi bilan bog'liq psixologik jarayon bo'lib, u aslida shaxsiy tajribamizning birlamchi asosi va bazasidir.

### ***Idrok qilish va diqqat***

Idrokning aniqligi va samaradorligiga bevosita aloqador bo'lgan psixik jarayonlardan biri – *diqqat*dir. Shuning uchun ham uyqusirab o'tirib ma'ruza tinglagan talabaning o'sha ma'ruza matnini idrok qilishi qay darajada bo'lishi mumkinligini tasavvur qilish qiyin emas. Shuning uchun ham biz diqqatimizni kerakli obyektga ushlab turish uchun, yuqorida misolda talabaning ma'ruzani to'la idrok qilishi uchun konspekt qilish kerakligi tavsiya etiladi.

#### **1.2. Maktabgacha ёшда идрок хусусиятлари ривожланиши**

Идрок — инсон томонидан унинг сезги органларига бевосита таъсир этиб турувчи теварак-атрофдаги предмет ва ҳодисаларни акс эттириш жараёнидир. Бирок, идрок жараёнини юзага келиши учун сезги органларига битта предметни таъсир қилиши етарли эмас. Кўзда (ёки бошқа рецепторда) нервнинг қўзғалиши юзага келиб, нерв тугунлари орқали миёга бориб, белгиланган пўстлоқ учиди «ҳис қилувчи тана қисми»да қўзғалиш жараёнини чақириб (И.М.Сеченов) ёки анализатор (И. П. Павлов) орқали ранг, товуш ва бошқа қўзғотувчиларни қабул қилишга ихтисослашган махсус миё марказларига( бош миё пўстлоғидаги миллионлаб нерв хужайраларга) этиб боради. Идрок қилинаётган предмет образи нафақат анализатор вазифаси билан, балки инсон бош миё пўстлоғидаги қўзғалиш ва тормозланишнинг мураккаб жараёнлари билан ҳам таъминланган. Идрок

қилинаётган предмет образининг юзага келиши бир-бирига қарама-қарши, шу билан бирга, ягона бўлган нерв жараёнлари ҳаракатига асосланади, яъни ҳаракатдаги кўзғатувчиларнинг нозик фарқланиши ва кўпгина нерв ҳужайраларида ҳосил бўлган кўзғалишларни қўшилиш йўли билан бирлашишидир. Бу жараён маълум бир анализаторнинг анатомик ва функционал етуқлигида намоён бўлади. Идрок жараёни яна бир қанча хусусиятларга эга. Ахир кўз эмас, қулоқ эмас, балки инсон идрок этади. Идрок танловчанлиги инсонни аввалги эгаллаган тажрибаси, унинг йўналганлиги, қизиқиши, тайёрланганлиги билан тушунтирилади. Инсоннинг бу позицияси унинг фаоллиги йўналишини аниқлайди. У теварак-атрофдаги нарсаларни пайқамайди, лекин унинг тажрибасига ва қизиқишига жавоб берувчи нарсаларни «кўради», «эштади».

Бола тайёр идрок қилиш малакаси билан туғилмайди. Ривожланишнинг илк босқичларида бола идроки унчалик мукамал бўлмайди: идрок этилаётган предмет образи хира ва аниқликка эга эмаслиги билан ажралиб туради. 7-10 ойлик бола ўз онасини одатдагидек бўлмаган кийимда танимаслиги мумкин. 1-1,2 ёшли бола онаси овозини эшита туриб, уни кўрмаса тинчланмайди. Бола 3-4 ёшда қорбобо кийимидаги тарбиячисини таний олмайди.

Бола китобдаги расмни кўраётган пайтда эртак матнини қийинчилик билан қабул қилади. Бундай ҳолат ҳатто 7-9 ёшли болалар томонидан ҳам мураккаб ва яхши таниш бўлмаган предметларни идрок қилаётганда юз беради. Болалар идрокининг бундай ёш хусусиятлари ўқувчилар томонидан ҳарф ва рақамларни идрок қилаётганда кўплаб хатоликларни келтириб чиқаради. Бу хатолар бир-бирига ўхшаш ҳарфларни кўшиш, «бузиб кўрсатиш» (чапдан ўнга ва акс ойнали кўриш), айрим элементларни йўқ бўлиши ёки ортиқчасини қўшилиши, белгилар шаклининг ўзгариши (айрим элементларни жойлашиши) ва бошқалар кўринади.

Бу хилдаги хатоликларни мураккаб расм, геометрик шакл чизиқларин айтиш жараёнида тўтирлаш мумкин, яъни сўз билан айтилган шакл бола т

монидан нутқда намоён бўлмаган шаклдан кўра тўғри идрок қилиниб тасви ланади (З. М. Истомина, А. А. Люблинская ва бошқалар). Бола синкретизминин асосий тавсифи турли хил ҳодисаларни асосланмаган ҳолда бир-бири билан боғлаш бола тафаккурининг ғояси бўлиб ҳисобланади. Э.Клапаред ва бошқ муаллифлар бола идрокининг синкретиклигини объект ҳиссий образинин бўлинмаганлигида, унинг ички алоқалари ва таркибининг ажартилмаганлиг ҳамда ўзаро муносабатнинг йўқлигида намоён бўлишини аниқлаганлар. Шунг қарамасдан, бола ҳаётининг биринчи кунлариданок предметларни кўриш, т вушларга нисбатан сезувчанлик кабиларни эрта аниқлаш мумкин. Шу билан бирга, уни тизимли равишда шунчаки қарашга эмас, балки кўришга, фақат қ лоқ солишга эмас, балки эшитишга, яъни нимани идрок қилаётган бўлса, шун тушунишга ўргатиш керак. Идрок механизми тайёр, лекин бола ундан фойдз ланиш кўникмасига эга эмас.

Психологик адабиётларда турли хил услубий тавсиялар баён этилади, амм барча тадқиқотчилар куйидаги фикрларга кўшиладилар:

- болани идрок қилишга махсус ўргатиш зарур, бусиз у кўшилганлиги, аниқ эма лиги, синкретиклиги билан характерланади;
- ўқитиш иккита асосий таҳлил ва умумлаштириш жараёнларини такомиллашти рилишига йўналтирилган бўлиши керак. Бу фигура қисмини ажратиш ёки ун таниши кабилар бўлиши мумкин. Аммо турли фарқланишда таҳлил синтезга боғлиқликни ўрнатишга, предметни маълум бир туркумга киритишга ва умум лаштиришга олиб келиши керак;
- идрок қилишга ўргатишда нутқни жалб этиш катта аҳамиятга эга. Сўздан идрок этилаётган предметни номлаш воситаси сифатида фойдаланиб, идрок этилаёт ган предметни тасвирлаш учун ишлатилади.

Сенсор ривожланиш мактабгача ёш давридаги ақлий ривожланишнинг асо сий йўлларида бири ҳисобланади. Идрок тараққиёт жараёни кўрғазмали образли тафаккур ривожланиши, тасаввурлар тизимини такомиллаштириш ва ҳаракат усуллари билан боғлиқ. Идрок жараёнларидаги камчиликлар бола каттароқ ёшга ўтганда ҳам қолади. Бироқ, энди у паст интеллектуал

имкони ятлар, ўқув материални ўзлаштиришдаги қийинчиликлар кўринишида намоён бўлади. Одатда бундай болаларни педагоглартаълим амалиётида «ўзлаштириши паст» бола деб атайдилар.

Айниқса, бу психик жараёни мактабгача ёшдаги болаларда ривожланган лик даражасини аниқлаш муҳим. Чунки кўпгина психологлар (А. В. Запорожец, Л.А. Венгер, К. Бюлер, К. Коффка) фикрича, айнан идрок мана шу ёшда тафаккур ривожланишига таъсир кўрсатади. Мактабгача ёш даврида образли тафаккур катта аҳамиятга эга, яъни предмет ёки вазият муносиб образининг шаклланиши асосида иш кўришдир. Чунки, айнан идрок теварак оламнинг шундай образла-рининг шаклланиш имкониятини таъминлайди

битта материалнинг таъсир қилиши етарли эмас. Кўзда (ёки бошқа рецепторда) нервнинг қўзғалиши юзага келиб, нерв тугунлари орқали мияга бориб, белгиланган пўстлоқ учидаги «ҳис қилувчи тана қисми»да қўзғалиш жараёнини чақириб (М.И.Сеченов) ёки анализатор (И. П. Павлов) орқали ранг, товуш ва бошқа қўзғотувчиларни қабул қилишга ихтисослашган махсус мия марказларига (бош мия пўстлоғидаги миллионлаб нерв хужайраларга) етиб боради. Идрок қилинаётган предмет образи нафақат анализатор вазифаси билан, балки инсон бош мия пўстлоғидаги қўзғалиш ва тормозланишнинг мураккаб жараёнлари билан ҳам таъминланган. Идрок қилинаётган предмет образининг юзага келиши бир-бирига қарама-қарши, шу билан бирга, ягона бўлган нерв жараёнлари ҳаракатига асосланади, яъни ҳаракатдаги қўзғатувчиларнинг нозик фарқланиши ва кўпгина нерв хужайраларида ҳосил бўлган қўзғалишларни қўшилиш йўли билан бирлашишидир. Бу жараён маълум бир анализаторнинг анатомик ва функционал етуклигида намоён бўлади. Идрок жараёни яна бир қанча хусусиятларга эга. Ахир кўз эмас, қулоқ эмас, балки инсон идрок этади. Идрок танловчанлиги инсонни аввалги эгаллаган тажрибаси, унинг

йўналганлиги, қизиқиши, тайёрланганлиги билан тушунтирилади. Инсоннинг бу “позиция”си унинг фаоллиги йўналишини аниқлайди. У теварак-атрофдаги нарсаларни пайқамайди, лекин унинг тажрибасига ва қизиқишига жавоб берувчи нарсаларни «кўради», «эшилтади».

Бола тайёр идрок қилиш малакаси билан туғилмайди. Ривожланишнинг илк босқичларида бола идроки унчалик мукамал бўлмайди: идрок этилаётган предмет образи хира ва аниқликка эга эмаслиги билан ажралиб туради. 7-10 ойлик бола ўз онасини одатдагидек бўлмаган кийимда танимаслиги мумкин. 1-1,2 ёшли бола онаси овозини эшита туриб, уни кўрмаса тинчланмайди. Бола 3-4 ёшда қорбобо кийимидаги тарбиячисини таний олмайди.

Бола китобдаги расмни кўраётган пайтда эртак матнини қийинчилик билан қабул қилади. Бундай ҳолат ҳатто 7-9 ёшли болалар томонидан ҳам мураккаб ва яхши таниш бўлмаган предметларни идрок қилаётганда юз беради. Болалар идрокининг бундай ёш хусусиятлари ўқувчилар томонидан ҳарф ва рақамларни идрок қилаётганда кўплаб хатоликларни келтириб чиқаради. Бу хатолар бир-бирига ўхшаш ҳарфларни қўшиш, «бузиб кўрсатиш» (чапдан ўнгга ва акс ойнали кўриш), айрим элементларни йўқ бўлиши ёки ортиқчасини қўшилиши, белгилар шаклининг ўзгариши (айрим элементларни жойлашиши) ва бошқаларда кўринади.

Бу хилдаги хатоликларни мураккаб расм, геометрик шакл чизиқларин айтиш жараёнида тўтирлаш мумкин, яъни сўз билан айтилган шакл бола т томонидан нутқда намоён бўлмаган шаклдан кўра тўғри идрок қилиниб тасви ланади (З. М. Истомина, А. А. Люблинская ва бошқалар). Бола синкретизминин асосий тавсифи турли хил ҳодисаларни асосланмаган ҳолда бир-бири била боғлаш бола тафаккурининг ғояси бўлиб ҳисобланади. Э.Клапаред ва бошқ муаллифлар бола идрокининг синкретиклигини объект ҳиссий образинин бўлинмаганлигида, унинг ички алоқалари ва таркибининг ажартилмаганлиг ҳамда ўзаро муносабатнинг йўқлигида намоён бўлишини аниқлаганлар. Шунг қарамасдан, бола ҳаётининг биринчи кунлариданок

предметларни кўриш, т вушларга нисбатан сезувчанлик кабиларни эрта аниқлаш мумкин. Шу била бирга, уни тизимли равишда шунчаки қарашга эмас, балки кўришга, фақат қ лоқ солишга эмас, балки эшитишга, яъни нимани идрок қилаётган бўлса, шун тушунишга ўргатиш керак. Идрок механизми тайёр, лекин бола ундан фойдз ланиш кўникмасига эга эмас.

Психологик адабиётларда турли хил услубий тавсиялар баён этилади, амм барча тадқиқотчилар қуйидаги фикрларга қўшиладилар:

- болани идрок қилишга махсус ўргатиш зарур, бусиз у қўшилганлиги, аниқ эма лиги, синкретиклиги билан характерланади;
- ўқитиш иккита асосий таҳлил ва умумлаштириш жараёнларини такомиллашти рилишига йўналтирилган бўлиши керак. Бу фигура қисмини ажратиш ёки ун таниши кабилар бўлиши мумкин. Аммо турли фарқланишда таҳлил синтезга боғлиқликни ўрнатишга, предметни маълум бир туркумга киритишга ва умум лаштиришга олиб келиши керак;
- идрок қилишга ўргатишда нутқни жалб этиш катта аҳамиятга эга. Сўздан идрок этилаётган предметни номлаш воситаси сифатида фойдаланиб, идрок этилаёт ган предметни тасвирлаш учун ишлатилади.

Сенсор ривожланиш мактабгача ёш давридаги ақлий ривожланишнинг асо сий йўлларида бири ҳисобланади. Идрок тараққиёт жараёни кўрғазмали образли тафаккур ривожланиши, тасаввурлар тизимини такомиллаштириш ва ҳаракат усуллари билан боғлиқ. Идрок жараёнларидаги камчиликлар бола каттароқ ёшга ўтганда ҳам қолади. Бирок, энди у паст интеллектуал имкони ятлар, ўқув материални ўзлаштиришдаги қийинчиликлар кўринишида намоён бўлади. Одатда бундай болаларни педагоглартаълим амалиётида «ўзлаштириши паст» бола деб атайдилар.

Айниқса, бу психик жараённи мактабгача ёшдаги болаларда ривожланган лик даражасини аниқлаш муҳим. Чунки кўпгина психологлар (А. В. Запорожец, Л.А. Венгер, К. Бюлер, К. Коффка) фикрича, айнан идрок мана шу ёшда тафаккур ривожланишига таъсир кўрсатади. Мактабгача ёш даврида образли тафаккур катта аҳамиятга эга, яъни предмет ёки вазият

муносиб образининг шаклланиши асосида иш кўришдир. Чунки, айнан идрок теварак оламнинг шундай образла-рининг шаклланиш имкониятини таъминлайди.

## **II-БОБ. БОЛАЛАР ИДРОКИ РИВОЖЛАНИШИНИ ЎРГАНУВЧИ МЕТОДИКАЛАР ТАСНИФИ.**

### **2.1. “ЭТАЛОНЛАР” МЕТОДИКАСИ (Л.ВЕНГЕР)**

Идрокни ўрганиш бўйича «Эталонлар» методикасининг мақсади топшириқнинг рағбатлангирувчи материални идрок қилиш бўйича зарур фаолиятни ташкил қила олишлик билан боғлиқ бўлган болалардаги мўлжалга олишни шакллантириш хусусиятларини ўрганишга қаратилган. Гап шундаки, бола 16 расмли карточка ва уларга қўшимча равишда навбатма-навбат 4 та эталон карточка кўрсатилса, 4-5,5 ёшли болага эталон контур-чизиқлари ишлатилган расмларини топиш қийин. Бу методиканинг асосий ғоясини Э. Сеген ишлаб

чиққан бўлиб, бу унинг шакллар тахтаси деб номланган методикасига яқин. Сеген тахтаси ҳаракат тестлари ёки новербал ақлий тестларга мисолдир. Бу тахтада бола турли шакл ва рангдаги фигураларни мос чуқурчлларга жойлаштириши керак. Сеген тахтаси одатда 1,5-4 ёшли болалар учун қўлланилади. «Эталонлар» методикаси Сеген тахтасини мураккаб шакли деб қабул қилинган ва у 4 ёшдан катта болалар учун қўлланилиши мумкин. Ҳар икки методика ҳам сезги органлари ва мускуллар аппаратини машқ қилиш ва ташхис қўйиш имкониятини ўз ичига олади. Шу билан бир қаторда сенсор фарқлаш ва моторикани бошқариш хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради. Венгернинг «Эталонлар» методикаси Сеген тахтаси каби ҳаракат тести ҳисобланади, лекин «Эталон» методикасида психолог билан бола ўртасидаги суҳбатдан боланинг нутқ ривожланиш хусусиятларини аниқлайдиган усул сифатида фойдаланиш мумкин. Ж. Эскироль ривожланиши чекланган болалар билан ишлаш асосида индивидни нутқдан фойдаланиши интеллектнинг ривожланганлик мезонларидан биридир деган хулосага келди.

Бу тестнинг рағбатлантирувчи материали 16 та шакллардан иборат карточкадир. Болага алоҳида эталон шакллар тасвирланган 4 та карточка таклиф этилади. Зарур бўлганда, психолог болаларга ёрдам мақсадида эталон шаклларни қирқиб олиши мумкин. Бу куйидагича бажарилади: бола эталонни қўлга олиб, чизиқлари бўйлаб бармоғи билан ўтказиб, шу эталонни четки чизиқлари ишлатилган расмларни топиш учун 16 та расмли карточкага қўяди. Шундай қилиб, эталон ва карточкалар билан предметли ҳаракатлар орқали бола идрок-ни фарқланувчанлиги шаклланиши асосида сенсор фарқлашга ўрганади. Маълумки, идрок жараёнларини шаклланганлиги образли тафаккур ривожланишини таъминлайди. Идрокни фарқланувчанлиги эса таққослаш, таҳлил, муҳим белгиларни ажратиш жараёнлари шаклланишини таъминлайди. Ўз навбатида юқоридагилар фикрлаш фаолиятини мантиқийлигини таъминлайди.

Йўриқнома: «Бу шаклга қара (эталонни кўрсатиш керак). У бошқа шакллар ора-сига беркиниб, қўшимча қисмлар кийиб олибди. Лекин, унинг шакли ўзгармаган. Уни шу карточкада топиш керак. Масалан, бу шакл (эталонлардан

бири кўрсатила-ди) расмда қисм сифатида қўлланилади. Сен расмларда шакллардан қандай фой-даланилганлигини топишинг керак».

Тестни ўтказиш. Йўриқнома берилгандан сўнг бола эталонни яхшилаб кўриб олишига, зарур бўлса чизиқлари устидан қўлини юргизишга имкон берилади. Сўнг болани диққати карточкага қаратилиб, бу карточкада шак-лни топиши керак бўлади. Қийналган тақдирда, агар бола битта энг оддий бўлган шаклни ҳам топа олмаса, картондан қирқиб опинган эталон берил,!ди ва уни ҳар хил шакллар устига қўйиб, бирортасига мос келмагунча қидиради. Аслида бундай машғулотлар ташхис қилиш эмас, балки идрок жараёнларини, айнан боланинг камчиликка эга бўлган жараёнини тузатишга ўтиб кетади. Мазкур меюдиканинг ташхисий қиммати шундан иборатки, психолог билиш жараёнларининг яқин келажак ривожланиш даражасини ва айнан мана шу болага хос бўлган идрок жараёни ривожланишидаги аниқ қийинчиликларни аниқлаши мумкин.

Натижалартаҳлили.Хатолар сони ҳамда болалар фаолиятини характериға эътибор бериш керак. Жавобда қийналаётган ва шаклларни тўғри топа олмаганларға унинг барча чизиқларини бармоқ билан ушлаб,эталон чизиқлари билан солиштириш таклиф этилади. Агар бу ёрдам тўғри ечимға олиб келса, бундан қуйидаги хулоса келиб чиқади : айнан шу ҳолдаги ҳаракатда идрок тўла шаклланмаган (бу ҳол 5 ёшли бола учун камчилик ҳисобланади), лекин йўналишни ўзи адекватдир. Бунинг натижасида болалар тафаккурини ташхис қилишда қўлланиладиган тестларни ечишда ҳам қийинчиликка учрашларини тахмин қилиш мумкин. Шунинг учун уларға идрок жараёнларини шаклланишини таминлайдиган психологик ёрдам бериш керак.

Фаолияти тез темпға эга бўлган ва мўлжал олиши йўқ бўлган, тез кўзғалувчан болаларнинг хатолари ўз фаолиятини ташкил қилишини билмаслиги, топшириққа эътибор бермаслиги , тўғриси топиш керак бўлган 16та шакл диққатни чалғитади.

## 2.2. «ЛОФЛАР» МЕТОДИКАСИ

Методика билан ишлаш вақти муҳим кўрсаткич бўлиб ҳисобланмайди. Агар бола жуда узоқ вақт ишласа (15 дақиқадан кўп), бу ҳол нима билан боғлиқлигини аниқлаш керак. Агар бола ўз ҳаётидан қандайдир вазиятлар тўғрисида гапиришни бошласа ёки расмга қараб хаёл сурса, буларга кетган вақт методика устида ишлаш вақтига киритилмайди. Бундан ташқари булар психогга бола нутқининг ривожланиш диагностикаси ва умумий маълумотга эгаллик даражасини аниқлашга имкон яратади.

### ***Натижаларни баҳолаш.***

- 9-10 балл – бола расмдаги барча 7та лофларни кўриб, уларни қониқарли даражада тушунтириб, ҳақиқатда қандай бўлишини айтиб берди.
- 7-8 балл – бола барча лофларни кўрди, лекин биттадан учтасини қониқарли тушунтириб бера олмади ёки ҳақиқатда қандай бўлишини айтиб бера олмади.
- 5-6 балл – бола барча лофларни кўрди, лекин улардан тўрт-бештасини қониқарли тушунтириб бера олмади ёки ҳақиқатда қандай бўлишини айтиб бера олмади.
- 3-4 балл – бола барча лофларни кўрмади ва кўпига жавоб бера олмади ёки ҳақиқатда қандай бўлишини тушунтира олмади.
- 1-2 балл – бола 7та лофдан 1-4 тасини кўрди, лекин қониқарли жавоб бера олмади.

### ***Идрок жараёнининг ривожланиш даражаси бўйича хулосалар.***

- 9-10 балл – жуда юқори
- 7-8 балл – юқори
- 5-6 балл – ўрта
- 3-4 балл – паст
- 1-2 балл – жуда паст

“ Расмда ким яширинган ?” методикаси.

### 2.3. “РАСМДА КИМ ЯШИРИНГАН?” МЕТОДИКАСИ

Методика карточкадан иборат бўлиб, унда турли ҳайвонлар, чизиқлар ёрдамида шундай чизиган-ки, улар бир-бирининг устага тахлангандай кўринади. Болага кетма-кетликда 2та расм кўрсатиши ва бу расмларда унга таниш бўлган ҳайвонлар беркитилганлиги тушунтирилади. Сўнг кетма-кет расмлар кўрсатилади ва боладан карточкада кўрган ҳайвонлар номини айтиб бериши сўралади. Болага ҳар бир расмни алоҳида кўриш учун 1-2 дақиқа вақт берилади. Бир вақтнинг ўзида ҳамма расмларни бериш мумкин эмас. Кейин болага савол берилади. “Расмда сенга таниш бўлган ҳайвонларни кўряпсанми?” агар бу вақт ичида бола бирота ҳайвонни кўра олмаса, у ҳолда ёрдам сифатида унга ҳайвонлар номларини айтиш керак. Улар орасида расмда мавжудларининг ҳам номлари бўлиши керак.

Одатда болалар бундан кейин топшириқни бажара оладилар ва расмда айтилган ҳайвонлар ҳаммаси йўқлигини айтадилар. Агар бола берилган ёрдамдан кейин ҳам расмдаги ҳайвонларни (кўра олмаса), унда психолог қалам ёки кўрсаткич ёрдамида бирорта ҳайвон чизиғини кўрсатади. Бундай ёрдам бола топшириқни тўғри бажаришга етарлидир.

#### *Натижаларни баҳолаш.*

- 8-10 балл – бола психолог ёрдамисиз расмда берилган барча ҳайвонлар номини айтди.
- 5-7 балл – бола психологнинг оғзаки ёрдамида фойдаланган ҳолда барча ҳайвонлар номини айтди.
- 2-4 балл – бола психологнинг оғзаки ёрдами ва кўрсатиб беришдан фойдаланган ҳолда ҳамма ҳайвонларни топди ва номини айтди.
- 0-1 балл – бола топшириқни бажара олмади, бола психолог билан биргаликда ишлаш жараёнида барча ҳайвонлари кўрди. Болани қўллаб-қувватлаш ва у вазият мувоффақиятни хис қилиши учун шундай қилинади. (ҳақиқий балл қўйилади, бироқ бола ташхисдан сўнг ўзини муваффақиятсиз деб хис қилмайди).

### *Ривожланганлик даражаси бўйича хулосалар.*

- 8- 10 балл жуда юқори
- 5-7 балл юқори
- 2-4 балл ўрта
- 0-1 балл паст

### **2.3. «Йил фасллари» методикаси .**

Ушбу методика 3-4 ёш болалар учун мўлжалланган. Болага расм кўрсатилади ва ушбу расмларга диққат билан қараб, расмнинг ҳар бир қисмида йилнинг қайси фасллари тасвирланганлиги ҳақида сўралади. Топшириқни бажариш учун 2 дақиқа вақт берилади. Ушбу берилган вақт мобайнида бола нафақат йил фасллари айтиб бериши, балки фаслларнинг белгиларини кўрсатиб бера олиши ва ушбу қисм айнан мана шу фаслга тегишли эканлигини асослаб бериши керак.

**Натижаларни баҳолаш:** 10 балл- берилган вақт мобайнида бола расмдаги йил фасллари бир бири билан боғлиқ ҳолда тўғри айтиб бера олса ва ҳар бир йил фаслининг иккитадан белгисини кўрсатиб бера олса (жами ҳар бир йил фаслининг 8 та белгисини кўрсатиб)

8-9 балл- бола расмдаги ҳар бир йил фасллари бир-бирига боғлиқ ҳолда тўғри айтиб берса ва йил фасллари умумий олганда 5-7 тагача белгисини тўғри кўрсатиб бера олса:

6-7 балл- бола йил фасллари тўғри аниқлаб, аммо ўз фикрини тасдиқловчи жами 3- 4 та фасллар белгисини кўрсата олса;

4-5 балл- бола йил фасллари фақат 2 тасини аниқлаб бера олса ва ўз фикрини тасдиқловчи жами 1-2 тагача йил фасллари белгисини кўрсатиб берса;

0-3 балл- бола йил фаслларининг бирортасини ҳам тўғри аниқлай олмаса ва бирорта ҳам фасл белгисини кўрсатиб бера олмаса (ушбу баллар боланинг йил фаслларини топишга ҳаракат қилганлигига боғлиқ ҳолда қўйилади).



**Тараққиёт даражасига хулоса чиқариш:** 10 балл - жуда юқори, 8 - 9 балл - юқори, 6 - 7 балл –ўртача, 4 -5 балл –паст, 0 -3 балл -жуда паст.

## 111-БОБ. ТАЖРИБАНИНГ БОРИШИ ВА НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ.

### 3.1. Тажрибани ташкил этиш.

Мактабгача ёш давридаги болалар идрок ва бошқа билиш жараёнлари ривожини амалий ўрганиш мақсадида биз куйидаги тартибда тадқиқот ишларини олибордик.

Тадқиқот 2 босқичда амалга оширилди.

1-босқичда тадқиқот методикалари танлаб олинди ва объектлар белгилаб тажриба ўтказиш учун материаллар тайёрланди. Шунингдек назарий маълумотларнинг тахлили асосида эксперимент ўтказиш учун эмпирик кўникмалар шакллантирилди.

2-босқичда тажриба ташкил этилиб, методикалар , кўрсатмалари билан текширилувчилар таништирилди ва тажриба олиб борилди. Тажриба объекти Термиз шаҳридаги 23- мактабгача таълим муассасаси ўрта ва катта гуруҳ тарбияланувчилари, жами 30 нафар а тарбияланувчилар иштирок этдилар

Аввало биз болалар билан ўйинлар ташкил этдик ва болалар билан яқиндан танишиб олдик. Сўнг болаларни 3-4 кишилик гуруҳларга бўлиб ҳар бир гуруҳда алоҳида юқорида тавсифи берилган “Лофлар”, “Расмда нима етишмайди?”, “Эталонлар”, “Йил фасллари” номли методикалар орқали хотира ривожланиши текшириб кўрилди. Тажриба жараёни ҳақида қуйида расмлар асосида тўхталиб ўтилган.

### 3.2. Ўрта ва катта гуруҳларда тажрибанинг бориши.



1-гурух болалари “Эталонлар” методикаси бўйича жавоб бермоқдалар. Улар аввал 16та шаклдан 7тагача топа олдилар, шаклларни бирданига 16тасини кўрсатганда ўрта гуруҳ болалари чалғиб қолдилар, баъзан қайси шаклни ахтараётганлиги эсидан чиқиб қолди. Бу ерда Голибжон(5,2) бошқалардан тезроқ 12та шаклни топди, Мухайё(4,9) эса 9та шаклни топа олди, энг кичик Мафтуна(4,3) атиги 5та шаклни кўрсата олди. Мафтунага эталон шаклни яна бир бор қўли билан пайпаслаб кўришни таклиф қилдик, шундан сўнг у яна 2та шаклни топди.



2-гурухда катта гуруҳ тарбияланувчи ўғил болалардан ташкил топди. Улар билан “Расмда ким яширинган ?” методикаси бўйича суҳбат тарзида тажриба олиб борилди. Турли ҳайвонлар чизиклар ёрдамида бир-бирининг устига таҳланган, шу чизикларни кўзда чамалаб ким эканлигини топинг- деб топшириқ берилди.

Биринчи бўлиб Фирдавс ит, тулқивойни топди, 2- эса Анвар бирданига 3та ҳайвонни кўра олди, Ғуломжон “расмни беринг, қаламда белгилаб оламан”-деб қолди. Унга бу мумкин эмас, ўйин қоидаси бузилади деб айтилди, у кўп уриниб кучукни кўраяпман, лекин думи қани? Деб

қолди. Гуруҳда Фирдавс 7 балл, Анвар 6 балл, Нодирбек эса 4 балл, Гулом 1 балл тўплади. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Гулом билан индивидуал ишлаш лозим, унга психологик ёрдам керак бўлади.



3-гуруҳда “Расмда ким яширинган?” методикаси бўйича тажриба жараёни бориши. Қизлар 3,6 - 4 ёшгача диққат билан расмга қараб турдилар, биринчи бўлиб Алина (3,8) қушни кўра олди, сўнг кучукни топди. 4 ёшли Дилсўз эса 4та ҳайвонни топиб, психологнинг оғзаки ёрдамидан сўнг барча ҳайвонларни номларини айтиб берди.



**4-гуруҳда иш жараёнининг кечиши.**



**5-гурух катта гурух болалари “Лофлар” методикаси устида ишляптилар. Болалар аввалига завқларини яшира олмадилар, Камронбек (5,2) 8 балл, Азизбек (5,6) 6 балл, Нодира (5,4) 9 балл, Гулноза (4,10) эса 5 балл тўпладилар.**



Ўрта гуруҳ болалари билан “Эталонлар” методикаси бўйича тажриба ишлари олиб борилмоқда. Бу пайтда биз тажриба материали билан болаларни таништириб, ҳар бир шаклни нимага ўхшайди ? саволи муҳокама этилмоқда.



**6- тажриба гуруҳида иш олиб борилиши жараёни**



## **Катта гуруҳда тажриба жараёнининг бориши.**

Тажриба жараёни хусусида болаларнинг натижалари таҳлилига кўра айтиш мумкинки, ўрта гуруҳда “Эталонлар”, методикаси бўйича олинган натижалар катта гуруҳ натижаларига кўра пастроқ бўлди, катта гуруҳ болалари “Расмда ким яширинган ” методикаси бўйича 15 нафар синалувчидан атиги 2 нафари 4 баллгача тўплади, 13 нафар бола 10-11 балл тўплади. Демак, боланинг ёши ортган сари фондани фигурани ажратиш олишмалакаси ортиб боради.

## УМУМИЙ ХУЛОСА

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар энг аввало соғлом рухият тарбияси учун қулай шарт-шароитларни яратмоқда. Президентимиз ташаббуси билан охирги йилларга берилаётган мақомлар ҳам моҳиятан баркамол авлод тарбиясини кафолатлаш, унга зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Миллий ғоя ва мустақиллик мафкураси концепсияси ғояларини халқ онгига сингдиришнинг зарур механизмларидан бири ҳам шуки, биз фарзандларимизнинг маънавий баркамоллиги учун махсус тадбирларни ўз вақтида кўра олишимиз, янгича тарбия технологияларни ярата олишимиз, муҳими - педагогларни янгича мафкура руҳида фарзандларни тарбиялашга йўналтира олишимиздир.

Бола шахси тараққиётида энг масъулиятли ва муҳим ҳисобланган мактабгача ёш даврида билиш жараёнлари ривожига айниқса идрок шаклланиши ва шунга алоқадор установакаларнинг барқарорлашуви, боланинг мактаб таълимига пухта тайёргарлик, ўзлаштириш учун сензитив - қулай бўлишини назарда тутганда, бу ёшдаги болаларни махсус дастурлар воситасида билиш жараёнлари ривожланиши ва психодиагностикас, зарур

ҳолларда психокоррекция тадбирларни амалга ошириш ижтимоий аҳамиятига молик вазифадир.

Биз ўтказган эксперимент натижалари илмий фаразларни деярли аксарият қисмини тасдиқлади ва яна қўшимча хулосалар чиқаришга имкон берди.

1. мактабгача ёшдаги болалар билиш фаоллигини ривожлантиришда кўргазмалар материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги исботланди.

2. мактабгача ёшдаги болалар билиш фаоллигини ривожлантиришнинг дастлабки, табиий ижтимоий психологик омилларга болалар жамиятида содир бўладиган ўйинларнинг аҳамияти муҳимлиги кузатилди.

3. Боланинг билиш жараёнлари ривожига нафақат табиий омиллар балки ижтимоий омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатишига боғлиқ бўлади.

4. Болада идрок ривожланишини таъминловчи психологик механизмларга аввало тасаввур, нутқ ўзлаштирилиши, сезгининг тўлақонли фаолияти ва тафаккур қабилар қирадики, улар ҳам махсус тарбияни талаб этади.

5. Мақсадга йўналтирилган ижтимоий психологик омиллар - мақсадли суҳбатлар, ролли ўйинлар, ижтимоий тренинглар ва бошқалар айнан мактабгача ёшдаги болаларда идрок ривожини барқарорлаштириш ва унинг бола билиш фаолиятида, бошқа билиш жараёнлари таракқиёти учун ўрни беқиёслиги алоҳида эътирофга эгадир.

Хулоса яқунида шуни айтиш жоизки, мактабгача таълим муассасасида тез-тез билиш жараёнлари ташхиси амалга оширилиши ва зарур ҳолларда психокоррекция тадбирлар кечиктирилмасдан ташкил этилиши керак.

Мазкур малакавий иш материаллари мактабгача таълим муассасалари психологлари, тарбиячи-педагоглар, лозим топилса ота-оналарга услубий қўлланма бўла олади.

Тажриба натижалари ва хулосага таянган ҳолда қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

### ТАВСИЯЛАР

1. Вилоят педагог ходимларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида мактабгача таълим муассасалари амалиётчи психологлар махсус дастурлар асосида психодиагностика ва психокоррекция бўйича малака оширишга алоҳида эътибор бериш лозим.
2. Барча педагог-тарбиячилар боланинг билиш жараёнлари ривожланиши динамикаси ҳақидаги назарий билимлар билан қуролланган бўлиши ва мунтазам равишда психолог ёрдамида ташхис қила олиши мақсадга мувофиқдир.
3. Мактабгача таълим муассасаси билан оила ҳамкорлигини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши, бунда ота-оналар учун бола тарбиясига яқиндан ёрдам берувчи ўқув тренингларини ўтказиш лозим.
4. МТМ психологи ота-оналар учун “Болангиз тезда унутадими ?” “ Болангиз воқеаларни ҳикоя қилиб бера оладими?” , “ Бола идрокини ривожлантирувчи машқлар” каби психологик билим ва малака берувчи рисоалар, буклетлар ва ишланмалар тайёрлашга эътибор бериш керак.
5. Тарбиячи-педагоглар мактабгача ёшдаги болаларнинг идрок ривожланиши хусусиятларини мукамал билиши, болалар учун аниқ мақсадли вазиятли ўйинлар кўпроқ ташкил этиб бориш зарур.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: 1998.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Т.: «Шарк». 1999. -182 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: 2008. - 96 б.
4. Каримов И.А. Соғлом авлод тарбияси - барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиз. / Тафаккур журнали. - 2-сон 2000 й.
5. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. - Т.: 1993. - 167 б.
6. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар.1-том.Т.:1968.-406 б.
7. Абу Райхон Беруний. Рухият ва таълим-тарбия ҳақида. - Т.: 1992 й.
8. Авлоний Абдулла. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.:Ўқитувчи,1992.-160 б.
9. Алимов Х. Миллийлик ва ижтимоий рухият. - Т.: 1992.
- 10.Алишер Навоий. Махбуб-ул - қулуб. - Т.: 1983. - 112 б.
- 11.Ахунджанова С.А. Влияние ролевой позиции ребенка в родной семье на формирование его характера (Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари. - Республика илмий-амалий анжуман маърузаларининг қисқа баёни. - Т.: 1993. -70-72 б.
- 12.Баратов Ш.Р. Болангизни стрессдан асранг. // Сихат-саломатлик. 1997, 2-сон. - 27 б.
- 13.Воспитание детей в игре. (Сос. А.Е. Бондаренко, А.И. Матусик. - М.:
- 14.Вохидов М. Болалар психологияси. - Т. «Ўқитувчи», 1982, - 366 б.
- 15.Выготский Л.С. Воображение и его развитие в детском возрасте. В кн. Собрание сочинений. - М.: Педагогика. 1982. ИИ. – С. 436-459
- 16.Гальпирин П.Я., Запорожетс А.В., Карпова С.Н. Актуальные проблемы возрастной психологии. - М.: 1978. – С. 10-50
- 17.Даминова М., Адамбекова Т. Ўйин машғулоти. -Т.: 1993. -96 б.
18. Запорожец А.В. Развития социальных эмоции у детей дошкольного возраста. - М.: 1986. – С. 91-122

- 19.Йўлдошева Р. Ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий аҳамияти. - Т.: 1992.
- 20.Коломинский Я.Л. Психология детского коллектива. - Минск.: 1984.
- 21.Мухина В.С. Детская психология. Учебник для студентов пед. ин-тов. - СПб.: Просвещение, 1992. - 303 с.
- 22.Психология и педагогика игры дошкольника (материалы симпозиума). - М.: 1986. – С. 188-204
- 23.Тўраева О. Оилавий хаёт этикаси ва психологияси. - Т.: «Ўқитувчи», 1990.
- 24.Усмонхужаев Т., Хужаев Ф. 1001 ўйин. - Т.: Ибн Сино. 1970. - 352 б.
- 25.Эльконин Д.Б. Психология игры. - М.: 1985.
- 26.Ғозиев Э. Анарметова Ш. Болалар психологияси. - Т.: 1992. - 32 б
- 27.Ғозиев Э.Даминов К. Болалар психологияси.-Т.:1992. -42 б.